

Тошкент ш.

“21” апрель 2022 йил

Бундан буён Буюртмачи деб юритиладиган “Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш дирекцияси” ДУК номидан директор Д.Юсупов ва кейинги ўринларда Пудратчи деб юритиладиган "QQAUTOJOLJOIBAR" МЧЖ номидан Устав асосида иш кўрадиган директор **А.Орынгалiev** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 22 январдаги ПҚ-98-сонли қарори ва тасдиқланган лойиҳа-қидирув ишлари манзили рўйхатиغا Танлов комиссияси йиғилишининг 2022 йил 18 апрелдаги Лот-62673 баёнига асосан қуйидаги шартномани туздилар:

1. Шартнома предмети

1.1. Пудратчи Буюртмачининг топшириги бўйича белгиланган муддатда **A380 "Ғузор-Бухоро-Нукус-Бейнеу" автомобиль йўлининг 738-743 км қисмини реконструкция қилиш** объектининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва мазкур ҳужжатларни белгиланган тартибда Буюртмачига топшириш мажбуриятларини, Буюртмачи эса уни қабул қилиб олиш ва ҳақ тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.2. Бажариладиган ишлар 2022 йил “21” “01” да тасдиқланган топшириққа ва соҳага оид қонун талабларига асосан амалга оширилади.

1.3. Шартнома лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишга, қидирув ишларини бажаришга, лойиҳа-смета ҳужжатларини тегишли экспертизадан ўтказиб ижобий хулоса олишга, муаллифлик назорати олиб бориш ва техник шартларни ва АПЗ тайёрлаш, объектнинг лойиҳавий таянч нукталарини жойида боғлаш (разбивка) билан боғлиқ бошқа ишларга тузилган.

1.4. Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш, қидирув ишларини бажариш, экспертиза кўригидан ўтказиб ижобий хулоса олиш ва лойиҳа ечимларини химоя қилиш ҳамда буюртмачига топшириш ишлари, шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Республика Ғазначилигида рўйхатдан ўтган кундан бошланиб, **25** кун муддатда тугатилади (муаллифлик назорати ишларидан ташқари). Ушбу муддатларда бажарилмаган ишлар учун белгиланган тартибда пеня ҳисобланади ва ундирилади.

1.5. Пудратчи лойиҳа-смета ҳужжатларига экспертиза хулосасини олгандан сўнг 15 кун ичида 3 (уч) нусхада лойиҳа-смета ҳужжатларини Буюртмачига тақдим этиши керак.

1.6. Ушбу шартномани амал қилиш муддати 2022 йил 31 декабрь. Кейинги йилга ўтса қўшимча келишув имзоланади.

2. Шартнома баҳоси ва тўловлар қондалари

2.1. Шартноманинг баҳоси 1-иловага мувофиқ **ҚҚС билан 213 129 281,70 (икки юз ўн уч миллион бир юз йигирма тўққиз минг икки юз саксон бир) сўм** етмиш тийинни (шундан **2022 йил 208 129 281,70 (икки юз саккиз миллион бир юз йигирма тўққиз минг икки юз саксон бир) сўм** етмиш тийинни лойиҳа ва қидирув ишларини ишлаб чиқишга, **5 000 000 (беш миллион) сўми** объектда муаллифлик назорати ишларини бажариш учун ташкил қилади ва мазкур шартноманинг 2-иловасидаги лойиҳа ишларини бажариш ва молиялаштириш жадвалига мувофиқ бажарилади.

2.2. Буюртмачи шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигидан рўйхатдан ўтгандан сўнг 15 кун ичида жорий йилда бажариладиган ишлар ҳажмидан 30% миқдорида аванс тўловини амалга оширади.

2.3. Бажарилган ишлар учун жорий молиялаштириш Буюртмачи ва Пудратчи томонидан топшириш-қабул қилиш ва бошқа лозим ҳужжатлар, далолатномалар расмийлаштирилгандан сўнг 15 кун ичида ажратилган аванс маблағи миқдори тўлиқ ушлаб қолиниб амалга оширилади.

2.4. Лойиҳа-смета ҳужжатлари буюртмачи томонидан кўриб чиқилиб, пудратчи томонидан экспертизага тақдим этилгандан сўнг, жами ишлар ҳажмининг 70% фоиз миқдоригача тўлов учун қабул қилинади.

Объект бўйича ижобий экспертиза хулосаси олингандан сўнг ва 3 (уч) нусхада лойиҳа-смета ҳужжатлари Буюртмачига юк хати орқали тақдим этилгандан кейин қолган маблағ (муаллифлик назорати харажатларидан ташқари) топшириш-қабул қилиш далолатномаси расмийлаштирилиб, (мазкур шартноманинг 2.3-бандига асосан) молиялаштирилади.

2.5. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

ишлар қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган қуч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;
ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда.

2.6.Экспертиза хулосаси олингандан сўнг шартноманинг умумий экспертиза томонидан тавсия этилган объектнинг қурилиш нархига асосланган ва буюртмачи билан келишилган ҳолда қайта кўриб чиқиши мумкин, бунда объектнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрлаш ишлари учун қўшимча шартнома имзоланади.

3. Томонлар мажбуриятлари

3.1. Буюртмачи барча ишлар бажариб бўлингандан кейин белгиланган нархнинг ҳаммасини Пудратчига тўлаши ёки ишларнинг айрим босқичлари тугалланганидан кейин нархнинг тегишли қисмини тўлаши; тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатларининг ёки бажарилган қидирув ишларининг камчиликлари борлиги муносабати билан учинчи шахс томонидан буюртмачига нисбатан кўзгатишган даъво аризасидан ишда қатнашишга Пудратчини жалб қилиши шарт.

3.2. Пудратчи Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиққандан сўнг, лойиҳа-смета ҳужжатларини экспертизадан ўтказишни ўз зиммасига олади.

3.3. Пудратчи лойиҳа ва қидирув ишларини бажариш учун топшириқдаги ва бошқа дастлабки маълумотлардаги талабларга риоя қилиши шарт ва буюртмачининг розилиги билангина улардан четга чиқишга ҳақли. Пудратчи ишларни лойиҳалаш ҳақидаги топшириқ ва бошқа дастлабки маълумотларга мувофиқ бажариши; тайёр бўлган лойиҳа-смета ҳужжатларини буюртмачи билан келишиб олиши, шунингдек; тайёр бўлган лойиҳа-смета ҳужжатларини ва қидирув ишлари натижаларини шартномада белгиланган муддатларда буюртмачига топшириши; буюртмачининг розилигисиз лойиҳа-смета ҳужжатларини учинчи шахсларга бермаслиги шарт.

3.4. Пудратчи лойиҳа-смета ҳужжатлари ва қидирув ишларидаги камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик қурилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатлари ва бажарилган қидирув ишлари маълумотлари асосида барпо этилган объектни ишлатиш жараёнида аниқланган камчиликлар учун жавобгар бўлади. Лойиҳа-смета ҳужжатларида ёки қидирув ишларида камчиликлар аниқланган тақдирда Пудратчи Буюртмачининг талаби билан лойиҳа-смета ҳужжатларини бепул қайта ишлаб чиқиш ва шунга мувофиқ зарур қўшимча қидирув ишларини бажариш, шунингдек, агар қонунда ёки шартномада бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, келтирилган зарарни буюртмачига тўлаши шарт.

3.5. Пудратчи Лойиҳа ва қидирув ҳужжатлари асосида объект қурилиши жараёнида муаллифлик назоратини амалга оширади.

4. Ишларни топшириш ва қабул қилиш тартиби

4.1. Бажарилган ишларни топшириш ва қабул қилиш Лойиҳа-смета ҳужжатларини бажариш топшириқ талабларига биноан белгиланади.

4.2. Ишлар бажарилишининг алоҳида босқичи ва шартнома бўйича белгиланган жами ишлар тугагандан сўнг Пудратчи Буюртмачига ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномаси билан ҳужжатлар тўпламини топширади.

4.3. Буюртмачи ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномаси ва мазкур шартноманинг 4.2 бандида кўрсатилган ҳисобот ҳужжатларини олгандан сўнг 10 кун мобайнида ишларни қабул қилиш ва Пудратчига имзоланган топшириш ва қабул қилиш далолатномасини ёки ишларни қабул қилмасликнинг асосланган рад жавобини юборишни ўз зиммасига олади.

4.4. Буюртмачи ишларни қабул қилмаслигининг асосли рад жавобини берган ҳолда зарур бўлган қўшимча ишларнинг рўйхати ва уларнинг бажарилиш муддатларини кўрсатган ҳолда, икки томонлама далолатнома тузилади.

4.5. Агар ишларни бажарилиш жараёнида уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланса, томонлар 5 кун муддат ичида уни тўхтатиш тўғрисида бир-бирини хабардор қилиши ва 15 кун ичида ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт. Ишларнинг тўхтатилиши томонлар учун Ўзбекистон Республикаси Фуқаролар кодексида кўзда тутилган оқибатлар ва жавобгарликка олиб келади.

4.6. Томонлардан бири мазкур шартномада кўзда тутилган ишларни тўхтатиш тўғрисида ёзма хабар берган вақт ўзаро ҳисоб-китоб қилиш вақти ҳисобланади.

4.7. Лозим топилган ҳолларда томонлар ҳолис экспертларга Лойиҳа бўйича хулоса учун мурожаат қилиши мумкин.

5. Конфиденциалмаълумотларниҳимоялаш

5.1. Ишлар бажарилиши даврида Пудратчи конфиденциал ҳисобланадиган маълумотлар ишлаб чиққан ёки уларни Буюртмачидан олган ҳолларда уларни ҳимоялаш, ошкор бўлишини олдини олиш мақсадида тегишли тадбир ва чоралар кўради.

6. Қўшимча шартлар

6.1. Пудратчи лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ишларини муддатидан олдин бажарган ҳолда, Буюртмачи уни мазкур шартноманинг 4-бандига асосан қабул қилади ва тўла тўловни амалга оширади.

6.2. Ўзаро мулоқат йўли билан ҳал қилинмаган муаммолар қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда ҳал қилинади. Келишувга келинмаган тақдирда тортишувлар, келишмовчиликлар, низолар Тошкент туманлараро Иқтисодий судида эътироз тартибига риоя қилган ҳолда, кўриб чиқилади. Эътирозлар ёзма равишда тақдим қилиниши керак ва уларни кўриб чиқиш муддати эътироз билдирилган томон олганидан кейин 1 (бир) ой муддатни ташкил этади.

6.3. Шартномага томонлар розилиги асосида, ёзма равишда ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилиши мумкин. Шартномани бажаришдан бир тарафлама бош тортиш, шартномани бир тарафлама бекор қилиш мумкин эмас.

6.4. Пудратчи шартномада кўрсатилган ишларни бажариш учун, Буюртмачини ёзма равишда маълум қилган ҳолда, учинчи шахсларни ўрнатилган тартибда жалб қилиш ҳуқуқига эга.

6.5. Буюртмачи томонидан дастлабки тўлов ўз вақтида ўтказилмаган ҳолда кечиктирилганда ишларни тугаллаш муддати тўлов кечиктирилган вақтга қадар узайтирилади.

6.6. Буюртмачи томонидан топшириш-қабул қилиш ва бошқа лозим ҳужжатлар, далолатномалар расмийлаштирилгандан сўнг тўловлар билан боғлиқ ўз мажбуриятлари кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1 фоизи миқдорида пеня тўланади, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 20 фоизидан ошмаслиги лозим, бунда Буюртмачига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар бундан мустасно.

6.7. Пудратчи томонидан лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш ва буюртмачига топшириш ўз вақтида бажарилмай мажбуриятлар бузилган бўлса, Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 20 фоизидан ошмаслиги лозим.

6.8. Тўланган пеня ёки жарималар томонларни ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

6.9. Ушбу шартнома ўзбек тилида икки нусхада тузилди.

6.10. Мазкур шартнома томонлар ўз мажбуриятларини тўлиқ бажаргунча қадар амал қилади.

6.11. Шартномага қуйидагилар илова қилинади:

- Шартнома баҳосининг келишуви баённомаси (1-илова)
- Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишни бажариш ва молиялаштириш жадвали (2-илова)

7. Томонларнинг манзили ва ҳисоб рақамлари

“Буюртмачи”

“Умумий фойдаланишдаги автомобил
йўллари қуриш ва реконструкция қилиш
дирекцияси” ДУК

100000. Тошкент шаҳри,
Мустақиллик шоҳ кўчаси 68-уй,
Тел: (71) 237-32-04

х/р: 3045 1086 0262 6970 45 111 118 068
Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги

Ҳазначилиги Амалиёт бошқармаси

х/р: 2340 2000 3001 0000 1010

МФО: 00014 ИНН: 304 803666

МБ Тошкент шаҳар бўйича ББ ХКМ



Директор

Д.Юсупов

“Пудратчи”

"QQAВТОJOLJOIBAR" МЧЖ

Нукус шаҳар,
А.Дабылов кўчаси, 4-уй,
Тел: (8361)-224-50-81, 224-30-54
Х/р: 2020 8000 1003 1465 2001
АКБ “Капиталбанк” филиали

Нукус ш.

МФО: 01038

ИНН: 200 362 755

ОКОНХ: 66000

ОКЭД: 71120

Директор

А.Орынгалев



2022 йил “21” апрелдаги
73 -сонли шартномага 1- илова

Шартнома баҳосининг келишув

БАЁННОМАСИ

Биз, куйида имзо чекувчилар АЗ80 "Ўззор-Бухоро-Нукус-Бейнеу" автомобиль йўлининг 738-743 км қисмини реконструкция қилиш объектининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича 2022 йил “21” апрелдаги 73 -сонли шартнома баҳоси жами ҚҚС билан 213 129 281,70 (икки юз ўн уч миллион бир юз йигирма тўққиз минг икки юз саксон бир) сум етмиш тийинга тенг деб келишилганини тасдиқлаймиз.

Ушбу баённома Буюртмачи ва Пудратчи ўртасида ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун асос ҳисобланади.

“Буюртмачи”

“Умумий фойдаланишдаги автомобил йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш дирекцияси” ДУК

100000.Тошкент шаҳри,

Мустақиллик шоҳ кўчаси 68-уй.

Тел: (71) 237-32-04

х/р: 3045 1086 0262 6970 45 111 118 068

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги

Ҳазначилиги Амалиёт бошқармаси

х/р: 2340 2000 3001 0000 1010

МФО: 00014 ИНН: 304 803666

МБ Тошкент шаҳар бўйича ББ ХКМ



Директор

Д.Юсупов

“Пудратчи”

“QQAUTOJOLJOIBAR” МЧЖ

Нукус шаҳар,

А.Дабылов кўчаси, 4-уй,

Тел: (8361)-224-50-81, 224-30-54

Х/р: 2020 8000 1003 1465 2001

АКБ “Капиталбанк” филиали

Нукус ш.

МФО: 01038

ИНН: 200 362 755

ОКОНХ: 66000

ОКЭД: 71120

Директор

А.Орынғалиев



2022 йил "21" апрелдаги
73 -сонли шартномага 2-илова

А380 "Ўзур-Бухоро-Нукус-Бейнеу" автомобиль йўлининг 738-743 км қисмини реконструкция қилиш
объектининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш

БАЖАРИШ ВА МОЛИЯЛАШТИРИШ ЖАДВАЛИ

№	Бажариладиган ишларнинг номи	Қиймати	Бажариш (Шартноманинг 1.4 банди асосида)		Молиялаштириш (Шартноманинг 2.3 банди асосида)	
			2022 йил	2023 йил	2022 йил	2023 йил
	Аванс маблағи				62 438 784,51	✓
1	Топография ва геология ишлари, диагностика ишлари, Атроф муҳитга таъсир баёни (ЗВОС), Лойиҳа-смета ишлари, Экспертиза харажатлари	208 129 281,70	208 129 281,70		145 690 497,19	✓
2	Муаллифлик назорати	5 000 000		5 000 000		5 000 000
	Жами ҚҚС билан:	213 129 281,70	208 129 281,70	5 000 000	208 129 281,70	5 000 000



Буюртмачи

[Handwritten signature]



Пудратчи

[Handwritten signature]

[Handwritten signature]

Ишчи лойиха - смета хужжатларини ишлаб чиқиш ва (ёки) кидирув ишларини бажариш шартнома лойихаси бўйича

ЮРИДИК ХУЛОСА

(Ўзбекистон Республикаси "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонуннинг 21-моддасига мувофиқ)

2022 йил 21 апрель

Тошкент

“Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини куриш ва реконструкция қилиш дирекцияси” ДУК (Кейинги ўринларда – Буюртмачи деб юритилади) ва “QQAUTOJOLJOYBAR” МЧЖ(Кейинги ўринларда – Пудратчи деб юритилади) ўртасидаги А380 “Ғуздор-Бухоро-Нукус-Бейнеу” автомобиль йўлининг 738-743 км. қисмини реконструкция қилиш объектининг лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқиш ҳақидаги шартнома лойихаси (Кейинги ўринларда – Шартнома деб юритилади)ни Буюртмачининг Юридик хизмати ҳуқуқий экспертизадан ўтказди.

Ҳуқуқий экспертиза натижасида қуйидагилар аниқланди:

Шартномада кўрсатилган муносабатлар Ўзбекистон Республикаси "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, шу жумладан кодекснинг 37-боб талаблари ҳамда бошқа Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий хужжатлари билан тартибга солинади. Шартномадан келиб чиқадиган ўз мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун тарафларнинг жавобгарлик меъёри Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 24-боб талабларига мувофиқ келади.

Шартнома Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 22 январдаги ПҚ-98-сонли қарори, Танлов комиссияси йиғилишининг 2022 йил 18 апрелдаги баени (лот 62673) га асосан тузилган.

Мазкур хулоса Шартнома лойихаси шартларининг амалдаги қонун хужжатлари талабларига жавоб бериши хусусида берилди.

Бош юрисконсулт

Ш.Батиров

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Танлов комиссияси раиси
“Умумий фойдаланишдаги автомобиль
йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш
дирекцияси” ДУК бош муҳандиси



Д. Исаев

“Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш дирекцияси” ДУКнинг товарлар (ишлар, хизматлар)ни харид қилиш бўйича доимий фаолият кўрсатувчи танлов комиссияси йиғилишининг

62673/1 - сонли баёни

Тошкент ш.

“ 21 ” 04 2022й.

Комиссия раиси: Д.Исаев

Комиссия аъзолари: Д.Исаев, Э.Исмаилов, Д.Шарипов, У.Бобожонов,
У.Қўнишев, Ф.Зоҳидов, К.Омонов

Комиссия котиби: А.Эсонов

(Дирекциянинг 2021 йил 16 ноябрдаги Танлов комиссиясини ташкил қилиш бўйича 112-Б-сонли буйруғи)

Танловда қатнашган комиссия аъзоларининг сони комиссия умумий сонининг ярмидан кўпини ташкил этганда, яъни “кворум” бўлганда, қарор кўпчилик овоз билан қабул қилинади ва йиғилиш ўтказилган ҳисобланади. (Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги 684-сонли қонунининг 20,57 моддалари)

Қатнашмадилар: У.Бобожонов.

Кун тартиби:

1. А380 "Ўздор-Бухоро-Нукус-Бейнеу" автомобиль йўлининг 738-743 км қисмини реконструкция қилиш объектини лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун шартнома имзолаш.

Кун тартибидаги масала юзасидан комиссия аъзоси Ф.Зоҳидов маълумот берди.

Дирекциянинг танлов комиссияси йиғилишининг 2022 йил 18 апрелдаги лот-62673-сонли баёнига асосан **А380 "Ўздор-Бухоро-Нукус-Бейнеу" автомобиль йўлининг 738-743 км қисмини реконструкция қилиш объектининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун 2022 йил 5 апрелдаги Лот №62673 лот номер орқали эълон қилинган энг яхши таклифларни танлашда "QQAВТОJOLJOYBAR" МЧЖ энг яхши таклифларни танлаш ғолиби деб эълон қилинди ҳамда энг яхши таклифларни танлаш натижалари Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги 684-сонли қонунининг 62-моддасида**

белгиланган тартибда баённома ғолиб аниқланган кундан бошлаб давлат харидларининг электрон тизимида муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди ва икки иш кун ичида танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушмади.

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги "Давлат харидлари тўғрисида"ги 684-сонли қонунига асосан, **А380 "Ўззор-Бухоро-Нукус-Бейнеу" автомобиль йўлининг 738-743 км қисмини реконструкция қилиш объектининг** лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун "QQAUTOJOLJOYBAR" МЧЖ билан шартнома тузиш таклифи берилди.

ҚАРОР ҚИЛДИ:

А380 "Ўззор-Бухоро-Нукус-Бейнеу" автомобиль йўлининг 738-743 км қисмини реконструкция қилиш лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун "QQAUTOJOLJOYBAR" МЧЖ билан белгиланган тартибда шартнома имзолансин.

Баённи ёзиб борувчи
комиссия котиб



А.Эсонов


Комиссия азолари:

Директор ўринбосари



Э.Исмаилов

Қурилиш ва реконструкция қилиш
бўлими бошлиғи




Д.Шарипов

Шартномалар ва танлов савдоларини
ташқил этиш бўлими бошлиғи



У.Қўнишев

Лойиҳавий таъминлаш бўлими
бошлиғи



Ғ.Зоҳидов

Етакчи юрисконсулт



К.Омонов

"ТАСДИҚЛАЙМАН"

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги
хузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси



2022 йил

"Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари қуриш ва реконструкция қилиш дирекцияси" ДУК буюртмачилигида Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари қуриш ва реконструкция қилиш объектларининг лойиҳа-қидирув ишлари бўйича
2022 йил учун

МАНЗИЛ РЎЙХАТИ

(2022 йил 16 апрель ҳолатига)

(млн. сўм)

№	Лойиҳалаштириладиган объект номи ва манзили	Лойиҳалаштириладиган объект қувавати (мос қийматларда)	Қурилиш ишлари бошланиш ва тугаш йили	Қурилишнинг тахминий ҳисобланган умумий қиймати	Лойиҳа босқичи ДТИА, ТИА, ДТИХ, ТИХ, ИЛ, Л, ИХ, ТҲ	ЛҚИнинг объектлар бўйича қиймати	2022 йил 1 январь ҳолатига бажарилган ЛҚИ	2022 йил 1 январь ҳолатига ЛҚИ нинг қолдиқ қиймати	2022 йилда кутилаётган ЛҚИ	ЛСҲ ларини буюртмачига топшириш муддати (йил, ой)	Лойиҳачи учун асос, (тендер, танлов савдолари баёни № ва санаси, ВМ қарорлари, фармойишлари, топшириқлари ва ҳ.к.)	Лойиҳа институти номи
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13
1	А380 "Ғузур-Бухоро-Нукус-Бейнеу" автомобиль йўлининг 150-228 км қисмини реконструкция қилиш (цементобетон қопламали)	78 км ✓	2021-2023 ✓	877 500,0 ✓	ТИА, ИХ	20 488,8 ✓	15 847,2 ✓	4 641,6 ✓	4 441,6 ✓	2019-2022 йил	ЎзР Президентининг 2019 йил 4 апрелдаги №7427-хх-сонли баёни	"Ўзйўллойиҳа" ЛҚИ ДУК
2	4Р12 "Бектемир ш.-Чирчиқ ш.-Ғазалкент ш.-Чорбоғ қўргони" автомобиль йўлининг Чирчиқ шаҳрига кириш қисмида Чирчиқ дарёси устидан ўтувчи янги замонавий кўприк ва автомобиль тоннели қурилиши	160 пм ✓	2022-2023 ✓	114 271,8 ✓	ИЛ	3 040,9 ✓		3 040,9 ✓	2 888,9 ✓	2022 йил	ЎзРесп Президентининг 2022 йил 22 январдаги ПҚ-98-сонли қарори, ВМ 02.02.2022 йдаги қарори	"Кўприққурилиш-лойиҳа" УК
3	4К-253а "Ислом Каримов шоҳ кўчасига" шаҳобча автомобиль йўлидан М39 "Тошкент-Термиз" автомобиль йўлига" уланувчи янги йўналишдаги умумий фойдаланишдаги 4 км автомобиль йўли ва 700 пм узунликдаги йўл ўтказгич қуриш	4 км ✓	2022-2024 ✓	219 293,5 ✓	ИЛ	1096,4 4 385,9 ✓		1096,4 4 385,9 ✓	1096,4 4 385,9 ✓	2022 йил	ЎзРесп Президентининг 2022 йил 22 январдаги ПҚ-98-сонли қарори, 54632-сонли лот бўйича 09.04.2022 йдаги харид комиссияси баёни	"Boshtransloyiha" АЖ
4	4Р74 "А-380 Ғузур-Бухоро-Нукус-Бейнеу айюли-Учқир газ кони" автомобиль йўлининг 5,800 км.дан кесиб ўтувчи коллектор устида кўприк қуриш	73 пм ✓	2022-2023 ✓	9 244,4 ✓	ИЛ	184,9 ✓		184,9 ✓	179,9 ✓	2022 йил	ЎзРесп Президентининг 2022 йил 22 январдаги ПҚ-98-сонли қарори, 54610-сонли лот бўйича 28.03.2022 йдаги танлов комиссияси баёни	"Йўллойиҳа бюроси" МЧЖ

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13
5	A-380 "Ўздор-Бухоро-Нукус-Бейнеу" автомобиль йўлининг 368,1 кмда "Ўнг қирғоқ" коллектори устидан янги кўприк қуриш	60 км	2022-2024	33 385,3 ✓	ИЛ	667,7 ✓		667,7 ✓	662,7 ✓	2022 йил	ЎзРесп Президентининг 2022 йил 22 январдаги ПҚ-98-сонли қарори, 54494-сонли лот бўйича 28.03.2022йдаги танлов комиссияси баёни	"Йўллойиха бюроси" МЧЖ
6	4P48 "Зарафшон тракти" автомобиль йўлининг 270 км.дан М37 "Самарқанд - Бухоро – Туркманбоши" автомобиль йўлига уланадиган 3 км айланма йўлини қуриш	3 км ✓	2023	27 432,0 ✓	ИЛ	540,0 ✓	461,7 ✓	78,3 ✓	51,3 ✓	2021 йил 2022 йил	ЎзР Президенти 2021 йил 21-22 январдаги Бухоро вилоятига ташрифи 4-сонли (29.01.2021й №02-РА1-2003) баёни, ВМ раёсати мажлисининг 27.04.2021йдаги 52-сонли баёни, Танлов ком-яси йиг-шининг 22.07.2021 йилдаги 194-сонли баёни, Харид ком-ясининг 01.02.2022йдаги 1/л-сонли баёни	"Бухоро Geo Road proekt group" МЧЖ
7	A376 "Кўқон-Жиззах" автомобиль йўлининг 246-252 ҳамда 273-282 км қисмини реконструкция қилиш	15 км ✓	2023	130 000,0 ✓	ИЛ	941,5 ✓	805,0 ✓	136,5 ✓	89,4 ✓	2021 йил 2022 йил	ВМ раёсатининг 08.09.2021йдаги 130-сонли баёни, Танлов комиссияси йиг-шининг 21.10.2021йдаги 239/1-сонли баёни, Харид ком-ясининг 01.02.2022йдаги 1/л-сонли баёни	"Йўллойиха бюроси" МЧЖ
8	4P90 "Қарши ш. - Бешкент ш. - Қамаш қ. - Касби қ. - Косон ш." автомобиль йўлининг 9-11 км қисмини реконструкция қилиш	3 км ✓	2023	34 000,0 ✓	ИЛ	516,3 ✓	390,7 ✓	125,6 ✓	102,7 ✓	2021 йил 2022 йил	ВМ раёсатининг 08.09.2021йдаги 130-сонли баёни, Танлов комиссияси йиг-шининг 21.10.2021йдаги 238/1-сонли баёни, Харид ком-ясининг 01.02.2022йдаги 1/л-сонли баёни	"Йўллойиха бюроси" МЧЖ
9	A377 "Самарқанд - Айний" автомобиль йўлининг 9-36 км (1-босқич 34-36 км) қисмини реконструкция қилиш	2 км ✓	2023	23 640,0 ✓	ИЛ	440,1 ✓	376,3 ✓	63,8 ✓	41,8 ✓	2021 йил 2022 йил	ВМ раёсатининг 08.09.2021йдаги 130-сонли баёни, Танлов комиссияси йиг-шининг 21.10.2021йдаги 240/1-сонли баёни, Харид ком-ясининг 01.02.2022йдаги 1/л-сонли баёни	"Йўллойиха бюроси" МЧЖ
10	M39 б "Тошкент ҳалқа йўли" автомобиль йўлининг 59 км даги темир йўл устидан ўтган йўл ўтказгични реконструкция қилиш		2022 ✓	28 841,0 ✓	ИЛ	703,4 ✓	538,7 ✓	164,8 ✓	133,3 ✓	2021 йил 2022 йил	ЎзР ВМ Раёсати Мажлисининг 11.08.2021йдаги 118-сонли баёни, Танлов комиссияси йиг-шининг 08.10.2021йилдаги 237/1-сонли баёни, Харид ком-ясининг 01.02.2022йдаги 1/л-сонли баёни	"Ўзйўллойиха" ЛҚИ ДУК
11	4K92 "Андижон ш.-Нефтчилар шаҳарчаси-Тожиқобод қ." автомобиль йўлининг 0-7 км қисмини реконструкция қилиш	7 км ✓	2021-2022	43 798,3 ✓	ИЛ	834,0 ✓	699,0 ✓	135,0 ✓	98,2 ✓	2021 йил 2022 йил	ЎзР ВМ Раёсати Мажлисининг 11.08.2021йилдаги 118-сонли баёни, Танлов комиссияси йиг-шининг 08.10.2021йилдаги 236/1-сонли баёни, Харид ком-ясининг 01.02.2022йдаги 1/л-сонли баёни	"MIMAX-ROAD" МЧЖ
12	4P2 "Тошкент шаҳри - Тўйтепа шаҳри - A373 автойўли (55 км) Тошкент ш. - Минерал сувлар сўлатқоҳи - Абай қ. (Ўзбекистон Республикаси ҳудудида)" автомобиль йўлининг 28,5-35,2 км қисмини қайта қуриш	6,7 км ✓	2021-2022	103 400,2 ✓	ИЛ	1 118,3 ✓	891,1 ✓	227,2 ✓	180,3 ✓	2021 йил 2022 йил	ВМ раёсатининг 08.09.2021йдаги 130-сонли баёни, Танлов ком-яси йиг-шининг 21.10.2021йдаги 241/1-сонли баёни, Харид ком-ясининг 01.02.2022йдаги 1/л-сонли баёни	"Ўзйўллойиха" ЛҚИ ДУК
13	4P214 "Наманган ш.-Қозоқовул қ.-Косонсой ш." автомобиль йўлининг 0-13 км қисмини реконструкция қилиш	13 км ✓	2021-2022	81 945,6 ✓	ИЛ	1 235,3 ✓	1 059,3 ✓	176,1 ✓	120,3 ✓	2021 йил 2022 йил	ЎзР ВМ Раёсати Мажлисининг 04.06.2021йдаги 113-сонли баёни, Наманган вилоятининг 03.07.2021йдаги 03/06-26-сонли баёни, Танлов ком-яси йиг-шининг 08.10.2021йдаги 234/1-сонли баёни, Харид ком-ясининг 01.02.2022йдаги 1/л-сонли баёни	"Йўллойиха бюроси" МЧЖ
14	Сариосиё тумани "Боғча" аҳоли пунктидан Шаҳрисабз тумани Камар қишлоғига олиб борувчи 2-тоифали 78 км узунликдаги йўл қуриш	78 км ✓	2022-2026	1 270 833,3 ✓	ИЛ	- ҲДО 18 000,0 ✓		- ҲДО 18 000,0 ✓	- ҲДО 18 000,0 ✓	2022 йил	ЎзРесп Президентининг 2022 йил 22 январдаги ПҚ-98-сонли қарори, ЎзРесп Президенти ташрифининг 2021 йил 14 июндаги 02-РА 1-9900 (30)-сонли баёни, 57092-сонли лот бўйича 18.04.2022йдаги харид комиссияси баёни	"Сурхондарёйўллойиха" институти МЧЖ
15	M39 "Алмати-Бишкек-Тошкент-Шаҳрисабз-Термиз" автомобиль йўлининг 817-827 км қисмини реконструкция қилиш	10 км ✓	2022-2023	858 503,5 ✓	ИЛ	12 330,0 ✓		12 330,0 ✓	12 280,0 ✓	2022 йил	ЎзРесп Президентининг 2022 йил 22 январдаги ПҚ-98-сонли қарори, Танлов ком-яси йиг-шининг 30.03.2022йдаги 2/л-сонли баёни	"Йўллойиха бюроси" МЧЖ

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13
16	M396 "Тошкент ҳалқа йўли" автомобиль йўлининг 34-36 км қисми (Темур Малик кўчаси)ни реконструкция қилиш	2 км ✓	2022-2023	292 686,5 ✓	ИЛ	5 400,0 ✓		5 400,0 ✓	5 350,0 ✓	2022 йил	ЎзРесп Президентининг 2022 йил 22 январдаги ПҚ-98-сонли қарори, Танлов комиссиясининг 30.03.2022йдаги 3/л-сонли баёни	"Йўллойиҳа бюроси" МЧЖ
17	A380 "Ғузор - Бухоро - Нукус - Бейнеу" автомобиль йўлининг 315-490 км ва 581-812 км (шу жумладан 581-698 км) қисмини реконструкция қилиш	117 км ✓	2022	2 336 000,0 ✓	ТИА	25 540,0 ✓	21 809,8 ✓	3 730,2 ✓	1 070,0 ✓	2021 йил 2022 йил	ПҚ-1103 22.04.2009 й. Ўз.Респ.През.админ. 09.10.2020 йдаги №02-2858 (73)-сонли баёни, Ўз.Рес. ВМ 2020 йил 19 ноябрдаги 144-сонли баёни	"Йўллойиҳа бюроси" МЧЖ
18	4P2 "Тошкент шаҳри-Тўйтепа шаҳри-А373 автйўли (55 км)" автомобиль йўлининг 4P21 "Тошкент айланма автйўли" автомобиль йўли билан кесишган қисмида транспорт ечимини куриш	300 пм ✓	2022-2024	145 985,3 ✓	ИЛ	-729,9 2 919,7 ✓		-729,9 2 919,7 ✓	-729,9 2 919,7 ✓	2022 йил	ЎзРесп Президентининг 2022 йил 22 январдаги ПҚ-98-сонли қарори, 57166-сонли лот бўйича 14.04.2022йдаги харид комиссияси баёни	"Ўйўллойиҳа" ЛҚИ ДУК
19	4P148 "4P115 автомобиль йўли - Янгиқадам қ. - Учуй қ. - Олтиариқ ш. - Чимён қ. - Водил қ." автомобиль йўлининг 36-64 км реконструкция қилиш	28 км ✓	2022-2023	142 761,0 ✓	ИЛ	2 853,0 ✓	1 982,1 ✓	870,8 ✓	53,0 ✓	2018 йил 2022 йил	Ўз.Р. ВМ 14.03.2017 й. 05-21-23-11 (48) - сонли баёни, Харид комиссиясининг 01.02.2022йдаги 1/л-сонли баёни	"Фарғонайўллойиҳа институти" МЧЖ
20	4P112 "Фарғона халқа йўли" автомобиль йўлининг 259-276 км қисмини реконструкция қилиш	17 км ✓	2021-2023	88 541,7 ✓	ИЛ	2 075,4 ✓	1 880,0 ✓	195,4 ✓	171,5 ✓	2020 йил 2022 йил	ПҚ-2776 14.02.17й. ЎзР ВМнинг 09.09.2019йдаги №05-05/1-1741 -сонли баёни, Харид комиссиясининг 01.02.2022йдаги 1/л-сонли баёни	"Йўллойиҳа бюроси" МЧЖ
21	M396 "Тошкент ҳалқа йўли" автомобиль йўлининг 36-41 км қисмини реконструкция қилиш	5 км ✓	2021-2028	50 000,0 ✓	ИЛ	750,0 ✓		750,0 ✓	50,0 ✓	2022 йил	ЎзРесп Президентининг 2022 йил 22 январдаги ПҚ-98-сонли қарори	Танлов
22	Тошкент вилоятида барпо этилаётган "Янги Ўзбекистон боғи" атрофидаги маҳаллий автомобиль йўллари ва йўл ўтказгичларни куриш	3,5 км ✓	2021-2022	150 000,0 ✓	ИЛ	2 499,9 ✓		2 499,9 ✓	2 449,9 ✓	2022 йил	ЎзРесп Президентининг 2022 йил 22 январдаги ПҚ-98-сонли қарори, ВМ нинг 2021 йил 14 майдаги қарори	"Йўллойиҳа бюроси" МЧЖ
23	A380 "Ғузор-Бухоро-Нукус-Бейнеу" автомобиль йўлининг 738-743 км қисмини реконструкция қилиш	5 км ✓	2022-2023	29 000,0 ✓	ИЛ	213,1 ✓		213,1 ✓	213,1 ✓	2022 йил	ЎзРесп Президентининг 2022 йил 22 январдаги ПҚ-98-сонли қарори, 62673-сонли лот бўйича 18.04.2022йдаги харид комиссияси баёни	"Qqavtojlojybar" МЧЖ
24	A380 "Ғузор-Бухоро-Нукус-Бейнеу" автомобиль йўлининг 752-753 км қисмини реконструкция қилиш	1 км ✓	2022-2023	7 812,9 ✓	ИЛ	-1,8 48,1 ✓		-1,8 48,1 ✓	-1,8 48,1 ✓	2022 йил	ЎзРесп Президентининг 2022 йил 22 январдаги ПҚ-98-сонли қарори, 62692-сонли лот бўйича 18.04.2022йдаги харид комиссияси баёни	"Qqavtojlojybar" МЧЖ
25	A380 "Ғузор-Бухоро-Нукус-Бейнеу" автомобиль йўлининг 753-757 км қисмини реконструкция қилиш	4 км ✓	2022-2023	47 850,1 ✓	ИЛ	-5,8 300,0 ✓		-5,8 300,0 ✓	-5,8 300,0 ✓	2022 йил	ЎзРесп Президентининг 2022 йил 22 январдаги ПҚ-98-сонли қарори, 62698-сонли лот бўйича 18.04.2022йдаги харид комиссияси баёни	"Qqavtojlojybar" МЧЖ
26	Қамчиқ ва Резак тоннелларида ёритиш вентиляция ва ёғинга қарши курашиш тизимларини модернизация қилиш	объект	2019-2022	44 163,1 ✓	ИЛ	1 390,9 ✓	763,2	627,6	627,6 *	2022 йил	ВМ 31.05.16й. 05-05/83-8-сонли баёни, ВМ 26.11.21й. 05-05/1-466 (22)-сонли баёни	"Гидропроект" АЖ
27	A380 а "Бухоро халқа йўли" автомобиль йўлининг 14,0 км, 16,0 км даги кўприкларни реконструкция қилиш	19,4 пм	2022	2 430,0 ✓	ИЛ	60,8 ✓		60,8 ✓	60,8 ✓	2022 йил	ВМ раёсати мажлисининг 15.04.2021йдаги 54-сонли баёни	Танлов
28	4K248 "Работ қ.-Ардахшон қ." автомобиль йўлининг ПК7+225 даги кўприкни реконструкция қилиш	20 пм	2022	4 220,0 ✓	ИЛ	105,5 ✓		105,5 ✓	105,5 ✓	2022 йил	ВМ раёсати мажлисининг 15.04.2021йдаги 54-сонли баёни	Танлов
29	4P92 "Қарши ш.-Толлиқўрғон қ.-Қасби ш.-Жуйнов қ.-Помуқ қ." автомобиль йўлининг 28 км даги зовур кўприкни реконструкция қилиш	36 пм	2022	3 150,0 ✓	ИЛ	78,8 ✓		78,8 ✓	78,8 ✓	2022 йил	ВМ раёсати мажлисининг 15.04.2021йдаги 54-сонли баёни	Танлов
30	4P56 "Оқтош ш.-Янгирабат ш.-Лангар қ.-Чуя қ." автомобиль йўлининг 1,5 км даги Нарпай каналдан ўтувчи кўприкни реконструкция қилиш	41 пм	2022	2 500,0 ✓	ИЛ	62,5 ✓		62,5 ✓	62,5 ✓	2022 йил	ВМ раёсати мажлисининг 15.04.2021йдаги 54-сонли баёни	Танлов

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13
31	4K621 "4P107 автойўли-Сангардак қ." автомобиль йўлининг 8,7 км, 9,3 км, 10,7 км ва 13 км қисмларидаги кўприкларни реконструкция қилиш	66 пм	2022	7 000,0 ✓	ИЛ	175,0		175,0 ✓	175,0 ✓	2022 йил	ВМ раёсати мажлисининг 15.04.2021 йдаги 54-сонли баёни	Танлов
	Жами, шу жумладан:			7 210 189,5		109 899,8	47 504,0	62 395,8	57 391,8			
	ҚМИ дан олинган қисми								49 167,0 ✓			
	Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларида ўлчов тарозиларини ўрнатиш учун								1 813,6 ✓			
	Тақсимланмаган маблағ								69 961,5 ✓			
	Ҳаммаси			7 210 189,5		109 899,8	47 504,0	62 395,8	129 167,0			

"КИРИТИЛДИ"

"Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш Дирекцияси" ДУК

Д.Юсупов

2022 йил



"КЕЛИШИЛДИ"

Ўзбекистон Республикаси
Молitia вазирлиги

С.Садуллаев

2022 йил

(Handwritten signature of S. Sadullaev)

"КЕЛИШИЛДИ"

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва
камбағалликни қисқартириш вазирлиги

А.Бобоев

2022 йил

(Handwritten signature of A. Boboev)

29-04

* Дирекцияда 2022 йил
29 апрелдаги ДЮ/05-1055-
сон қатнаш асосидан

(Handwritten signature)

“КЕЛИШИЛДИ”

Ўзбекистон Республикаси
Қурилиш Вазирлиги



[Handwritten signature]
“04” “04” _____ 2022 й.

P-059

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

“Умумий фойдаланишдаги автомобиль
йўллари қуриш ва реконструкция
қилиш дирекцияси” ДУК



[Handwritten signature]
“ ” _____ 2022 й.

А380 "Ѓузур - Бухоро - Нукус - Бейнеу" автомобиль йўлининг
738-743 км қисмини реконструкция қилиш объектining ишчи
лойиҳасини ишлаб чиқишга

Т О П Ш И Р И Қ

(3 нусхада)

Тошкент-2022 й.

1. Объектнинг номи	A380 "Ўзур - Бухоро - Нукус - Бейнеу" автомобиль йўлининг 738-743 км қисмини реконструкция қилиш
2. Буюртмачи	“Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари қуриш ва реконструкция қилиш дирекцияси” ДУК 100000.Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси 68. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги Амалиёт бошқармаси х/р:2340 2000 3001 0000 1010 МҒО:00014 ИНН:304803666 МБ Тошкент шаҳар бўйича ББ ХКМ
3. Лойиҳалаштириш учун асос	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 22 январдаги “2022-2024 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-98-сонли қарори.
4. Молиялаштириш манбаи	Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари.
5. Қурилишни бошлаш ва тугаллаш муддатлари	2022-2023 йиллар.(Ҳар йилги ажратилаётган лимитдан келиб чиқиб, муддати ўзгариши мумкин). Қурилишнинг ҳисобий муддати Қурилишни ташкил этиш (ҚТЭ) лойиҳасида ҳисобланади.
6. Объект жойлашган ҳудуд	Қорақалпоғистон Республикаси, Амударё тумани, “Қипчоқ” ўрмон хўжалиги ҳудуди.
7. Объектнинг лойиҳавий қуввати	5 км (аниқ узунлиги топогеодезия ишлари даврида аниқланади ҳамда лойиҳа ишлари давомида объект бошланиш ва тугаш нуқталари чорраҳага, туташмаларга яқинлашса буюртмачи билан келишилган ҳолда давом эттирилиб, яхлитлик таъминлансин).
8. Бош лойиҳачи ташкилот	Танлов асосида аниқланади.
9. Бош пудратчи ташкилот	Тендер асосида аниқланади.
10. Қурилиш тури	Реконструкция қилиш. (Жойнинг ҳолатидан келиб чиққан ҳолда, автомобиль йўлини кенглиги (габарит) параметрларини тоифасига мослаб тўғирлаш, йўлни кенгайтириш ҳамда автомобиль йўли тоифасини бир поғона ошириш)
11. Қоплама тури	Асфальтобетон. (ГОСТ 9128-2013 “Асфальтобетон қоришмалар, Полимерасфальтобетон, Автомобиль йўллари ва аэродромлар учун полимерасфальтобетон” Техник шарт асосида амалга оширилсин)
12. Йўл тўшамаси конструкцияси	Ушбу ҳудуддаги материалларнинг хусусиятидан ва жойнинг гидрогеологик, геологик ва диагностика ҳулосасидан келиб чиқиб, ШНК 2.05.02-07 ва МКН44-2008, МКН46-2008 меъёрий ҳужжатлари талаблари асосида йўл тўшамаси конструкцияси ҳисоб-китоб

	<p>қилинсин. Автомобиль йўлларида йўл тўшамасини лойиҳалашда ўша ердаги карьерларнинг захира ресурсларини ва улардан чиқадиган материалларни хусусиятларини ўрганган ҳолда алоҳида ҳисоб китобни амалга оширилсин.</p> <p>Автомобиль йўли йўл тўшамаси конструкциясига бугунги кунда қўлланилаётган кам цементли бетон қоришмалари ва қора чақиқ тош (черный щебень) ни амалда қўллаш назарда тутилсин.</p>
13.Объект қурилиш-монтаж ишларининг тахминий қиймати	36,0 млрд.сўм. (Тахминий қиймати аналог объектдан олинган, лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, экспертиза хулосаси олингандан сўнг, яқуний қийматига аниқлик киритилади).
14.Лойиҳани ишлаб чиқиш муддати	Ишчи лойиҳани ишлаб чиқиш муддати лойиҳа-қидирув ишларини бажариш шартномасида кўрсатилади. (ИКН67-2011 ва Ўзбекистон Республикаси Қурилиш Вазирлигининг 2019 йил 19 августдаги 396-сонли Лойиҳа-тадқиқот ишларининг қийматини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомга асосан аниқланади) Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш муддатлари амалдаги меъёрий қоидаларга мувофиқ белгиланади.
15.Лойиҳалаш навбатлари ва босқичлари	<p>Ишчи лойиҳа бир босқичда ишлаб чиқилади:</p> <p>Ишчи лойиҳада қуйидаги босқичларда амалга оширилади:</p> <ul style="list-style-type: none"> -Топогеодезия ишлари - Геология ишлари - Диагностика ишлари - Чизмалар ва материалларни келишув ишлари - АПЗ тайёрлаш ва Атроф муҳитга таъсир баённомаси ишлаб чиқиш - Лойиҳа ишлари - Смета ҳужжатларини тайёрлаш - Экспертиза кўригидан ўтказиш - Буюртмачига топшириш ишлари
16.Муҳандислик қидирув ишларининг зарурлиги	<p>Топогеодезия ишлари ШНК 1.02.07-19, ШНК 1.02.08-19, Геология ишлари ШНК 1.02.09-15 ва Диагностика ИКН 05-11 “Автомобиль йўллари ҳолатини ташхис қилиш ва баҳолаш” меъёрий ҳужжат талаблари асосида амалга оширилсин.</p> <p>Лойиҳа-қидирув ишлари жараёнида ернинг геологик ва гидрогеологик ҳолати ўрганилсин, тўлиқ ҳажмда ва меъёрий ҳужжатларга асосланган ҳолда ишлаб чиқилиши зарур.</p> <p>Реконструкция ва тўла таъмирлаш лойиҳаларида йўл, кўприклар ва йўлда жойлашган бошқа сунъий</p>

	иншоотлар диагностикаси замонавий ўлчов асбоблари воситасида тўла ҳажмда амалга оширилсин.
<p>17.Мухандислик коммуникацияларга талаблар.</p>	<p>ШНК 2.05.02-07 “Автомобиль йўллари” меъёрий ҳужжатининг 5.20-бандида Автомобиль йўлларининг кувурли ўтказгичлар (сувўтказгич, газўтказгич, канализация, нефтўтказгич, иссиқлик кувурлари ўтказгич ва бошқалар), алоқа ва электр узатиш тармоқлари кабеллари билан кесишмаларини мазкур коммуникацияларни лойиҳалашга тегишли меъёрий ҳужжатлар талабларига асосан кўзда тутиш лозим.</p> <p>Турли ер ости коммуникацияларининг автомобиль йўллари билан кесишмасини тўғри бурчак остида лойиҳалаш лозим, бундай коммуникацияларини (кесишма жойларидан бошқа ерларда) йўл кўтармаси тагидан ўтказиш ман этилиши белгиланган.</p> <p>Лойиҳа ишларини бошлашдан олдин объект ҳудудида жойлашган мавжуд инженерлик коммуникациялари пухта ўрганиб чиқилиб, инженерлик коммуникациялари эгаларидан олинадиган техник шартлар оптимал бўлишига эришиш лозим.</p>
<p>18.Объектни ресурслар билан таъминлаш</p>	<p>Маҳаллий қурилиш материалларидан максимал даражада фойдаланилсин. Техник-иқтисодий жиҳатидан самарали бўлган импорт материалларни қўллаш кўзда тутилсин.</p> <p>Объект учун зарурий хом ашё ва материаллар ҳажми ҳисоблаб чиқилиб, объектга материалларни ташиб келтириш учун ўша жойдаги карерларни чуқур ўрганиб, улардан материалларни етарли захираси борлиги ва сертификатлари мавжудлигини текшириб, кейин лойиҳада инобатга олинсин.</p> <p>Асфальтобетон, цементобетон, темирбетон ва маҳсулотларини ишлаб чиқувчи корхоналар ҳамда кумшағал ва тупроқ карьерларининг қувватлари, улар томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар номенклатураси лойиҳа ишларига тадбиқ қилишдан олдин тўлиқ ўрганиб чиқилиши лозим.</p>
<p>19.Табиат атроф-муҳит муҳофазасига талаблар</p>	<p>Меъёрий ҳужжатлар талаблари асосида атроф-муҳитга ўтказадиган таъсир баённомаси лойиҳаси ишлаб чиқилсин ва экологик экспертизадан ўтказилсин (ЗВОС).</p> <p>Лойиҳа ҳужжатларида салбий таъсирни камайтириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш билан "атроф-муҳитни муҳофаза қилиш" бўлимини атроф-муҳитга таъсирини баҳолаш асосида тақдим этиш шарт.</p> <p>Атроф-муҳитга таъсирини баҳолаш "автомобил йўллари ва кўприк ўтиш жойларини лойиҳалашда</p>

	<p>атроф-муҳитни муҳофаза қилиш талабларини ҳисобга олиш бўйича тавсиялар" асосида амалга оширилиши керак.</p> <p>Аҳоли пунктларида автотранспорт ва автомобил йўлларининг таъсир кўрсаткичлари аҳоли пунктларининг атмосфера ҳавосидаги ифлослан тирувчи моддаларнинг (чанг концентрацияси, углеводород концентрацияси, кўрғошин ва унинг бирикмалари концентрацияси) рухсат этилган максимал концентрациясидан ошмаслиги керак.</p> <p>Аҳоли яшайдиган жойларда транспорт шовқинининг даражаси меъёрлардан ошмаслиги керак.</p>
<p>20. Қурилиш майдончасининг (трасса) шарт-шароитлари</p>	<p>Текислик, шаҳар ичидан аҳоли яшаш пунктидан ўтади.</p>
<p>21. Асосий кўрсаткичлар, техник талаблар ва конструктив ечимлар</p>	<p>Аҳоли пунктларидан ўтган қисмларида ШНҚ 2.07.01-03* "Шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари ҳудудларини ривожлантириш ва қурилишини режалаштириш" талабларига мувофиқ лойиҳалансин. Йўл тўшамаси конструкциясини лойиҳасида амалдаги меъёр талабларига асосланган ҳолда замонавий йўл қурилиш материаллари (геосетка, геотекстил ва х.к) дан фойдаланиш инobatга олинсин;</p> <p>Автомобиль йўлидан сувни қочириш учун замонавий типдаги ёпик лотоклардан фойдаланиш кўзда тутилсин;</p> <p>Лойиҳада автомобиль йўли, кўприклар ва йўл ўтказгичнинг халқ хўжалигидаги тутган ўрнини ҳисобга олиш ва техник-иқтисодий талабларга жавоб берадиган лойиҳа ечимларини қабул қилиш талаб қилинади;</p> <p>Ишчи лойиҳа лойиҳа ташкилоти томонидан экспертиза кўригидан ўтказилиб ижобий хулосаси олинсин;</p> <p>Лойиҳа таркиби тузилсин;</p> <p>Ишчи лойиҳа таркибида лойиҳалаш учун асос ва топширик, смета қисмида нархларни асословчи ҳужжат, давлат экспертиза хулосалари бўлиши талаб этилади.</p> <p>Техник шартлар (тех.уловия) керакли ташкилотлардан олинсин;</p> <p>Материалларни ташиб келтириш масофаси далолатномаси тузилсин;</p> <p>Ҳар бир объектга уша ернинг табиий иқлим шароити, мавжуд ҳолати, автомобиллар ҳаракати ҳамда ҳудуд аҳолиси таклифини инobatга олиб, шу ҳудуднинг шарт-шароитидан келиб чиқиб лойиҳалаш ишлари амалга оширилсин.</p>

	<p>Лойиҳалаш жараёнида йўлдаги ҳар бир элементга индивидуал ёндашиш ҳамда замонавий материаллар ва машина механизмлардан фойдаланиш ишларини лойиҳага киритиш</p> <p>Автомобиль йўлларини жиҳозлашда халқаро ва давлат аҳамиятдаги йўлларни (Республика йўл ҳаракат хавфсизлигининг йўл назорати бўлими ва ҳудудий йўл назорати бўлими билан), маҳаллий аҳамиятдаги йўлларни (ҳудудий йўл назорати билан) келишилсин.</p>
<p>22. Лойиҳа-смета ҳужжатларини келишиш бўйича талаблар</p>	<p>Лойиҳавий ечимлар Автомобиль йўллари қўмитасининг ҳудудий бош бошқармалари, вилоят ҳокимлиги, қурилиш бошқармалари, йўллардан фойдаланувчи ташкилотлар, бошқа тегишли ташкилотлар келишишдан ташқари лойиҳани ишлаб чиқариш жараёнида маҳаллий ҳокимлар иштирокида лойиҳавий ечимларни комплекс равишда кўриб чиқиб, буюртмачи томонидан тасдиқланади</p> <p>Йўл режаси ва андозавий кўндаланг кесимлар лойиҳалари йўлнинг тоифаси, ҳаракат жадаллиги, аҳоли пунктлари ва йўл бўйида жойлашган савдо-сотик ва умумий овқатланиш комплексларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилиши зарур. Шунингдек, автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилишда меъёрий ҳужжатлар асосида йўл учун ажратилган минтақа параметрлари ҳисобга олинсин.</p>
<p>23. Архитектура ва режалаштириш ечимига қўйиладиган асосий талаблар</p>	<p>Архитектура режалаштириш топшириғи (АПЗ) ишлаб чиқилсин;</p> <p>Объектни лойиҳалаш мавжуд ландшафтни, тарихий ва маданий ёдгорликларни сақлаш ва яхшилаш, йўл ҳаракати хавфсизлигини яхшилаш, ҳайдовчилар ва йўловчиларнинг чарчоқларини камайтириш, қимматбаҳо қишлоқ хўжалиги ерларини сақлаш, йўлнинг атроф-муҳитга зарарли таъсирини минималлаштиришни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши керак. Шунингдек, йўлнинг аҳоли пунктларидан ўтган қисмларида транспортлар ҳаракатини тўғри ташкил этишга эришиш зарур.</p>
<p>24. Лойиҳа ечимларини мувофиқлаштириш зарурлигига қўйиладиган талаблар</p>	<p>Лойиҳа ҳужжатларини амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат назорати органлари, шунингдек ташкилотлар билан мувофиқлаштириш (давлат экспертизаси, сўров натижаларини текшириш, Давлат йўл ҳаракати хавфсизлигини текшириш бошқармасининг ҳулосаси ва бошқалар).</p> <p>Йўлнинг қурилиш (ёки реконструкция қилиш) зонасида портловчи ва радиоактив объектларнинг мавжудлигини малакали баҳолаш (тарихий ҳужжатлар, архив</p>

	<p>материаллари, дала экспертизаси материаллари таҳлили асосида), қурилишнинг айрим майдонларини тозалаш бўйича ишларнинг оқилона миқдорини аниқлаш, ушбу вазифаларни ҳал қилиш ва қурилиш ишларини қўллаб-қувватлаш учун зарур бўлган куч ва воситалар. Автомобиль йўлини қуриш (ёки реконструкция қилиш) учун тўсиқ бўлиб, хизмат қилиши мумкин бўлган йўлнинг қурилиш (ёки реконструкция қилиш) зонасида археологик ёдгорликлар, қабрлар ва бошқа объектларнинг мавжудлигини малакали баҳолашни амалга ошириш.</p>
<p>25.Смета ҳужжатларини ишлаб чиқишга талаблар</p>	<p>Смета ҳужжатларида қурилишнинг бошланғич нархи Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 11 июндаги 261-сонли қарорига мувофиқ жорий нархларда ҳисоблаб чиқилиши лозим.</p>
<p>26.Лойиҳаланадиган йўл қисмининг боши</p>	<p>Трасса боши автомобиль йўлининг 738 км.дан бошланади. Трасса бошини йўлни манзилни кўрсатувчи йўл белгиси орқали аниқланади ва зарур ҳолларда тегишли туман йўллардан фойдаланиш корхоналари мутахассислари билан биргаликда аниқлик киритилади.</p>
<p>27.Лойиҳаланадига йўл қисмининг охири</p>	<p>Трасса охири автомобиль йўлининг 743 км.да тугайди. Трасса охири йўлни манзилни кўрсатувчи йўл белгиси орқали аниқланади ва зарур ҳолларда тегишли туман йўллардан фойдаланиш корхоналари мутахассислари билан биргаликда аниқлик киритилади.</p>
<p>28.Йўлни йўл белгилари, тўсиқлар ва ётиқ чизиқли белги (разметка) билан жиҳозлаш</p>	<p>ГОСТ 23457-86, МҚН 23-2008 ва O'zDSt 3283:2017 га мувофиқ лойиҳалансин. Замонавий йўл белгилари, йўл тўсиқлари, ҳамда нур қайтарувчи ётиқ чизиқлардан фойдаланиш кўзда тутилсин.</p>
<p>29.Техник жараёнлар, жиҳоз ва ускуналарга талаблар</p>	<p>Амалдаги меъёрий ҳужжатлар талаблари асосида лойиҳаланади. Ёритиш тизимлари қуриш ва қайта қуриш замонавий қуёш ва энергия тежамкор лампалардан фойдаланиш назарда тутилсин. Аҳоли яшаш пунктларида замонавий ёритиш тизими ўрнатилиши кўзда тутилсин. Фойдаланилаётган ҳар бир жиҳоз ва ускуна стандарт талабларига жавоб бериши ҳамда сертификатга эга бўлиши лозим.</p>
<p>30.Сунъий иншоотлар</p>	<p>Мавжуд сунъий иншоотларни таъмирлаш ишлари ШНК 2.05.03-12 “Кўприклар ва қувурлар” талабларига мос равишда ва техник кўрик ҳулосаси асосида. Кўприкларни жойидан келиб чиқиб, йиғма ва қуйма (монолит) усулда қуриш кўзда тутилсин. Замонавий материаллардан фойдаланиш кўзда тутилсин.</p>

31.Фуқаро муҳофазаси бўйича муҳандислик-техник тадбирларни ва фавқулотда ҳодисаларни олдини олиш бўйича талаблар	Ишчи лойиҳа Фавқулотда вазиятлар вазирлигининг вилоят бошқармалари билан келишилсин. Йўлнинг режаси ва кўприклар режаси ва кўринишини тақдим этиб, келишилсин.
32.Қурилишнинг алоҳида шартлари	Ҳудуднинг сейсмиклиги КМК 2.01.03-96га биноан қабул қилинсин.
33.Ерларни рекультивация қилиш талаблари	Ерлардан самарали фойдаланиш, атроф-муҳитни ҳимоялаш, ерларни рекультивация қилиш учун харажатлар кўзда тутилсин. Табиат ва атроф муҳит, ўсимлик дунёсига зарар етказмаслик мақсадида қазилган ва бузилган жойларни қайта тиклаш ишлари лойиҳада кўзда тутилсин.
34.Қурилишни ташкил этиш лойиҳаси	ШНҚ 3.06.03-08 га асосан тўлиқ ҳажмда ишлаб чиқилсин. Қурилишни ташкил этиш ва ичида календар график билан (ПОС) қурилиш-монтаж ишлари бажариш муддати, ишлатиладиган машина механизмлар сони ишлаш вақти аниқ кўрсатилсин;
35.Аҳолини ногиронлиги бўлган ва кам ҳаракатланувчи гуруҳлар ҳаёти фаолияти шароитларини таъминлаш бўйича талаблар	Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 15 октябрдаги “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги 641-сонли қонуни ва ШНҚ 2.07.02-07 талабларига мос равишда олинсин. Пиёдалар йўлагини асосий йўлларга ва туташмаларга туташ қисмларида ногиронларга тушиб чиқиш учун барча шарт-шароитлар яратилсин.
36.Қурилишда муаллифлик назорати	Лойиҳа ташкилоти томонидан муаллифлик назоратини олиб боровчи мутахассислар бириктирилсин ва қурилиш-монтаж ишлари даврида муаллифлик назорати ишларини лойиҳачи томонидан график асосида тўлиқ амалга оширилсин.
37.Топшириш-қабул қилиш тартиби	Ишчи лойиҳа ушбу топшириқ талабларига биноан қабул қилинади. Экспертизанинг ижобий хулосаси олинганидан сўнг ишчи лойиҳа 3 нусхада, электрон вариантда (2 нусхада ташкилот логотипи туширилган дискда) ва амалдаги стандартлар бўйича буюртмачига топширилиши лозим.

Буюртмачи:

“Умумий фойдаланишдаги автомобиль

йўлларини қуриш ва реконструкция

қилиш дирекцияси” ДУК

бўлим бошлиғи

Ғ.Зоҳидов

« » 2022й.

